


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



АНГЛАШ САОДАТИ

Кейинги йилларда «Истиқлол бизга нима берди эмас, биз Истиқлолга нима бердик?» деган истихола — тезис публицистикамизнинг негизини ташкил этиб қолди. Ушбу истихолага гарчи миллий истиқлолмизга чуқур ҳурмат-эҳтиром аёқ этса-да, бир томондан истиқлол бизга берган буюк неъматларни тўла тушуниб етмаганимиз ётади. Истиқлол ва умуман миллий озодлик барча давлатлар тарихида буюк қадрият сифатида қадрланган. Миллий истиқлол биз журналистлар кашф этмаётган «шарофат»лардан буюкроқ, чуқурроқдир. Очиги, биз ҳали унинг аса моҳиятига тушуниб етганимизча йўқ. Ҳозир фақат унинг атрофида баландпарвоз сўзларни айтишдан нарига ўтмаётгангемиз. Эҳтимол, бу табиийдир. Чунки бугунги авлод истиқлол учун кураш, унинг учун жон бериш, неча асрлар уни орзиқиб куттиш нимаалигини тўла тушуниб слолагани йўқ. Шунинг учун ҳам кўпроқ мозийга қайтиш, яқин ўтган қора кунларнинг оқибатини тушунишга ҳаракат қилиш, истиқлол йўлида керак бўлса жонини фидо қилган кишилар ҳаётини ўрганиш, авлодларга ибрат қилиб кўрсатиш керак.

Бунда бизга кўпроқ кекса отахон ва онахонларимиз, аср тенгдошлари бўлган, бошидан замонларнинг барча талотўларини кечирган инсонлар ёрдамга келадилар. Уларнинг кечмиш ҳаёти, ҳар бир ўтказган кунини авлодлар учун сабоқ бўлмоғи лозим.

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 30-сонида сиз азиз ўқувчиларга «Мустақиллик йиллари сизнинг шахсий ҳаётингизда қандай из қолдирди, қандай эсда қоларли воқеа рўй берди?» деган савол билан мурожаат қилган эдик. Унга кўнлаб жавоб хатлари олдик. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

Мустақиллик йиллари шахсий, оилавий ҳаётимда жуда кўп қувончли воқеалар юз берди. Бир қизим Херсон Давлат институтини, иккинчиси Андижон тиббиёт институтини битирганини, икки ўғил неварга курганимни айтмайми? Еки яқинда Тошкентдаги «Камалак» нашриетида «Соғинч парвози» номли шерлар тўплами босилиб

ШУКУҲЛИ КУНЛАР

чиққандаги қувончларимдан сузлайми?

Мустақиллик ҳали бунданла нурли кунлар баҳиш этишига умид қиламан.

Равнохон ЖУМАНИЕЗОВА,
Булоқбоши тумани ҳокимлиги
хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаси
мутахассиси

1991 йилнинг 1 сентябри мен учун қушалоқ байрам будди: талабаликнинг илк куни ва мустақиллик эълон

қилиниши! Истиқлол туфайли бизнинг институти-миз ҳам университетга айланиб, ешларга кенг йул очилди. Мен ҳам эзгу орзуимга эришиб, 1995 йил Германияда ўқиб қайтдим.

Жавоб

Розажон СОБИРОВА,
Урганч шаҳри, 4-даҳа, 10-уй

Узим билган, кунгил куйган инсонга турмушга чиқдим. Яқинда эса «Она» деган улуғ ва муборак номга сазовор буддим. Иқболи порлоқ булсин деб, углимизга Иқболжон деган исмини қуйдик.

С. БОБОНАЗАРОВА,
Сариосиё тумани

КОНВЕНЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ



ОНА СУТИ—ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Вилоятимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг соғлиғи тўғрисида қайғуриш, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияни аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят фаолларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам шу ҳақда сўз борди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари муовинлари, ички ишлар, суд, прокуратура, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар вакиллари қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси раёсат аъзоси, ИИВлиги фахрийлар кенгаши раиси,

истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофур Раҳимов «Ёш авлодни тарбиялаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциянинг тарғиботи» тўғрисида маъруза қилди.

Вилоят прокурори Р. Пўлатов, вилоят ҳокими ўринбосари Н. Очиловлар ҳам келажак авлодни ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш, болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясининг кафолатлари ҳақида гапирдилар. Йиғилишда бу борадаги ишларни янада жонлантириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Абдулла МУЗАФФАРОВ,
Болалар жамғармаси Бухоро
вилояти бўлими раиси

«Иштирокчи давлатлар жамият барча табақаларининг, жумладан ота-оналарнинг гўдақлар соғлиғи ва овқатланиши, кўкрак сuti билан боқилишнинг афзалликлари... ҳақидаги хабардорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрадилар».

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциянинг 24-модда 2 банди.

Она сuti боланинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки она сuti таркибидаги албумин ва глобулин каби оқсиллар бола организми томондан осон усзлаштирилади. Ундаги олсин кислотаси эса боланинг энергияга булган эҳтиёжининг 50 фоизини қоплайди. Сут таркибидаги лактоза (шаркар) моддаси организм учун гоят зарур булган В дармондориси ҳосил қилувчи микроорганизмларнинг ўсишига ёрдам беради.

Шу билан бирга она сuti чақалоқ учун фақатгина тўйимли озуқа эмас. У бола организмнинг чидамлилигини ошириб, турли юқумли касалликлардан ҳимоя ҳам қилади. Организмнинг зарарли бактерия, вирус ва микроблардан ҳимоя қилувчи секретор имуноглобулин шулар жумласидандир.

Замонавий тиббиёт фани ҳам, ис-

лом дини ҳам болани камида икки ёшга тулгунча эмизишни маслаҳат беради. Афсуски, фарзанд кўрган аёлларимизнинг ярмидан кўпи олти ой — бир йилдан сунг эмизишни тухтаиб, болани сунғий озуқалар билан овқатлантиришяпти. Сигир сuti ёхуд қурилиган сuti аралашмалар таркибида бола организми қийналиб ҳазм қиладиган казеин оқсили мавжудлигини оналар унутмаслигини истардик. Яна шуниси борки, қурилиган сuti аралашмалар еб ўсган болада турли касалликларга чалиниш эҳтимоли кўкрак сuti эмиб катта булган болага нисбатан кўпроқ булади.

Хуллас, она сuti — шифобахш неъмат. «Фигура»сининг бузилиши ҳақида эмас, фарзандининг соғлом бўлиб ўсиши тўғрисида қайғуралиган ҳар бир она уз чақалогини ана шу неъматдан бебаҳра этмайди.



Гул қизга ўхшарму ва ё қиз гулга?

Ахборот

КИТОБ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги нашриётлар йилдан-йилга сермазмун, ранг-баранг, замон талабларига жавоб берадиган китобларни чоп этишга ҳаракат қилмоқда. Аммо уларни кенг халқ оmmasига стқазийда китоб савдоси ҳамон уз ўрнини топа олмапти. Эркин бозор шароитида китоб савдосига алоҳида эътибор бериш, ғамхўрлик қилиш бугунги кун талабидир.

Давлат матбуот қўмитаси Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда маънавиятимизнинг асоси булган китоб тарғиботини янада оммалаштириш мақсадида ва яқинлашаётган янги ўқув йили олдидан шу йилнинг 7 августидан бошлаб Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Китоб байрами»ни ва ярмаркасини утказмоқда. У «Инсон манфаатлари йили» тадбирларидан бири ҳисобланади. Бу тадбирда республикамизнинг энг таниқли шоирлари, олимлари, ношир ва журналистлари, санъаткорлари иштирок этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Эрон пойтахтида улим жазосига ҳукм этилган ашаддий жиноятчи «техронлик қонхур» деб ном бериши ва у жазосини уч кун мобайнида олди. Душанбадан чоршанба кунигача унга 900 дарра урилиб, чоршанба кечқурун минорали краннинг кутаргичига осиб улдирилди. Узоқ азобли жазога маҳкум булган бу қонхур туққиз нафар қизнинг умрига зомин булган. Қизларнинг энг кичиги 10 ёшда эди. Қариндошлар бу ҳукм нисбатан юмшоқ эканлигини айтишиб, уни тошбурон қилишни талаб этишган.

Тожикистон ҳукумати республикадаги вазиятни қўлга олганлиги ҳақида хабар берди. Бироқ мамлакат жанубида туқнашувлар давом этмоқда. Хатлон вилоятида исенкор полковник Маҳмуд Худойбердиевнинг тезкор бригадаси билан ҳукумат қўшинлари ўртасида жанглар қайтадан бошланган. Президент гвардияси нисбатан яхши қўроланган ва бу устулик жанг давомида сезилаётган. Қўшни мамлакатдаги бошбошдоқлик, мансаб ва бойлик талашишдан бошланган хунерслик халққа кўп жабр-ситамлар олиб келаётган.

ЖАҲОН
АЙВОНИДА

Комбожа Қироли Сианук тахтдан воз кечишини маълум қилди. Жанубий-шарқий Осиёдаги бу мамлакатда ҳозир сиёсий инқироз авжига чиққан. Бир йўла уч бош вазир ҳокимият учун кураш олиб бормоқда. Бундай вазиятда 74 ёшли қиролнинг тахтдан воз кечмоқчи булгани вазиятга ижобий таъсир курсатиши даргумон. Чунки Сианук қарийб 20 йилдан бери асосан Хитойда яшайди, унинг Комбожа сиёсий ҳаётига таъсири суст. Бироқ шунга қарамай халқ «тахт талашувчилар» биттага булса-да, камайгани маъқул деб ҳисобламоқда.

Франкфурт на Майне шаҳрида германиялик фуқаро Т. Райник қўлга олинди. ФБРнинг тарқатган хабарига қўра Т. Райникнинг уйдан машхур моделерчи Ж. Версачининг қотили деб шубҳаланилган ва қидирилаётган жиноятчи Эндре Кунаненинг улиги топилган. Т. Райник АҚШдан Германияга келиб тушган заҳоти аэропортда қўлга олинган. Немис гапгестери ва миллионерини Лейпциг шаҳар прокуратураси 1993 йилдан бери қидираётган эди.

Аччиқтош

АРЪИМИЗНИ
КИМ ТИНГЛАЙДИ?

«Оила ва жамият» таҳририяти!

Биз Юнусобод тумани 14 квартал 65 ўйда яшовчилар нажот истаб сизга мурожаат этишга мажбур булдик. Сабаби: шу ўйда яшаётганимизга 5 йил булибдики, ёзу киш ертўлаларимиз сув билан тула. Ёз пайтлари зах, бижиган ҳаво ҳиди ўфуриб туради. Чивинлар дастидан кечаю-кундуз тинчлик йўқ. ЖЭК ходимларига бир неча маротаба мурожаат қилишимизга қарамасдан, улар парвойи-палак юришибди. СЭС томонидан уларга бир неча марта жарима солинса-да, бу ерда яшовчилар шароитига мутлақо эътибор берилмади. Ҳатто ЖЭК ходимлари «Шикоят қилгувчи сенлармисан», деб иссиқ сувни ҳам узиб қуйишди. Ёш болаларимиз, қари ота-оналаримизга, айниқса, қийин булди.

Бизнинг ушбу илтижоларимизни тинглайдиган, ЖЭКдаги боқибегам тураларнинг танобини тортиб қўядиган раҳбарлар борми шаҳар ҳокимиятида?

Раъно АЙИТХЎЖАЕВА,
Юнусобод тумани 14-квартал,
65-ўйда яшовчилар номидан



ФАРОВОНЛИК БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан суҳбат

Муфтий Абдурашид қори Баҳромов 1953 йил 8 январда Андижон шаҳрида Абдумўмин қори хонадониде таваллуд топди.

1975-79 йилларда Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида таълим олган.

1979 йилдан ҳозирга қадар Тошкент ислом институтида Куръони Каримдан талабаларга дарс бериб келмоқда.

1997 йил 27 июн куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимига сайланди. Шунга қадар «Тилла-Шайх» жомеъ масжидида имом-хатиблик вазифасида ишлаганлар.

— Муфтий ҳазратлари, ёч келин-куёвларга никоҳ ўқиш тартиб қоидалари қандай? Уларга қандай панд-насиҳатлар бериш лозим?

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аввало, Аллоҳ таолога бехаҳд ҳамду сано ва пукроналар айтамызки, юртимиз ешлари турмуш қуришга азму-қарор қилишлари баробарида, никоҳни расмийлаштириб давлат ташкилотларидан махсус гувоҳнома олиш билан қифояланиб қолмайдилар, балки, албатта динимиз талаби саналмиш гувоҳлар ҳузурда шаръий никоҳдан ҳам утадилар. Шаръий никоҳ олдате масжидлардаги махсус никоҳхоналарда, имом-домлалар томонидан амалга оширилади.

Турмушга илк қадам қўяётган еш келин-куёвларга, албатта биз диний уламолар панднасиҳатлар қиламыз. Жумладан, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги, унга енгил қарамаслик, бу илоҳий оилавий ва ижтимоий боглиқликни зинҳор жараҳатламаслик, узаро меҳр-оқибат, ик-

ки томон қариндош уруғларини иззат ҳурмат қилиш, арзмаган сабаблар билан уртага раҳна солмаслик ва бошқа зарур тавсияларни бериб, уларнинг ҳақларига дуои хайрлар қиламыз.

— Исломиий тўй ўтказишнинг тартиб-қоидаси ҳақида маълумот берсангиз? Бундай тўйлар тез-тез бўлиб турадилми?

— Исломиий тўй деганда асосан никоҳ тўйи назарда тутилади, тўй утиш жараенида иложи борича ношаръий ишлар, спиртли ичимликлар, ҳаром ва макруҳ нарсалар аралашмасидан, балки самимий табриклар, зиефат дастурхонида оила ҳаққига дуои хайрлар, илмий суҳбатлар, амри маъруф, наҳий мунокор каби савобли ишлар билан утказишликни исломий тўй, деса булади.

Биз умид қиламызки, четдан келтирилган аъналарга асосланган ҳамда спиртли ичимликларга тўлиб кетган дастурхонлар атрофида утказиладиган тўйлар урнига, миллатимизнинг асрий аъналарига мос кел-

ладиган тўй ва бошқа маросимлар йулга қуйилажак.

— Балоғатга етмаган, яъни 18 га тўлмаган йигит-қизларга ҳам никоҳ ўқитиляптими? Уларнинг турмуш ҳақидаги дунёқарашлари мустаҳкамми?

— Балоғат ешига етди деган сўз — бу шу ешдан бошлаб турмуш қуришга лаяқатли дегани эмас, албатта. Турмуш қуриш қизларда 17 ешдан бошлаб, угил болаларда эса 20 ешдан тавсия этилади. Баъзи бир истисно ҳолларни ҳисобга олмаганда, йигитлар ўқишларни битириб, касбу хунарга эришиб, турмуш, оила ҳақида чуқур маълумотга эга булгандан кейин уйлангани маъқулроқ. Иложи булса, ҳарбий хизматни ҳам адо этган булса, янада яхши. Зеро турмуш, оила — бу енгил-елпи иш эмас. Эрта турмуш қуриб, сунг пуншаймон булаётган келинларнинг ҳасратлари кейинги пайтларда қулоққа чалинмоқда. Шунинг учун ҳар бир ишни, айниқса оила, никоҳ ва турмуш масалаларини юксак ақлу идрок, мас-

лахат ва кенгаш билан қилинган маъқулдир.

— Ўзбекистон мусулмонлари идораси тарафидан буюк шаҳарларимиз Бухорои шариф ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейига қандай тайёргарлик қўрилмоқда?

— Бухорои шарифнинг икки ярим минг йиллик тўйи муносабати билан бу куҳна шаҳарда илк бор қурилган «Масжиди Калон» жомеъ масжидининг таъмир ишларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси йигирма миллион сум маблағ билан уз ҳиссасини қўшди. Хива шаҳрининг муборак тўйига ҳам диний ташкилотлар, айниқса Хо-


разм вилоятидаги масжидлар томонидан турли воситалар билан тайёргарлик ишларига ердлам бериб келинмоқда.

— Мустақиллик байрамига аталган тadbирлар нималардан иборат?

— Юртимизнинг мустақиллик кунига тайёргарлик биз диний арбобларга ҳам албатта тааллуқли. Беш мингдан зиёд масжидларимиз имом-хатиблари орқали халқимизга мустақиллик нсмаъти нима эканлиги, уни қадрлаш ва асраш қанчалик муҳимлиги, бунинг учун нима қилиш лозимлиги ҳақида жума лозини мавбизаларда гапириб туришликни жорий қилганмиз.

Аллоҳ таоло барчамизни узининг тавфиқ ва иноятига мушарраф этсин. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон яшаб бориши бардавом булсин!

Асқар РАҲМОН суҳбатлашди



ҲАЛОЛЛИК БУЮКЛИҚДИР!

Ҳалоллик бу аслини олганда буюклик ва жумардликнинг куринишларидан биридир. Индаллоси, бир донишманднинг мутлақо тўғри таъкидлашича, агар одам ҳалолликдан юз утирса, шу қадар беҳисоб ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқибат-натижда ҳаётнинг нопок йулларидан юришга одатланиб қолади, демаски, у чинакам одамлар сирасидан чиқиб кетади.

Мумин киши турмуш тарзини белгилайдиган иккинчи бир фазилат поклик булиб, у Молик ал-Ашъарийнинг фикрича, иймоннинг ярмини ташкил қилади. Мумин одамнинг кийим-боши ҳам, жойнамози ҳам, уй-ҳовлиси ҳам, қозон-товоғи ҳам, иши ҳам, тилзабони ҳам пок булиши керак. Санаб утилган ҳар бир покликнинг уз қонунқоидаси, уз мезон-улчови бор. Масалан, тилзабоннинг поклиги фаҳш, ёмон, уятсиз сўзлардан, гийбату бұҳтон гаплардан фориғ булишни, улардан мутлақо фойдаланмасликни англатади.

Хулосаи калом, инсоннинг турфа хил эҳтиёж-талаблари ҳам моддий-дуневий, ҳам руҳий-маънавий булгани туфайли, рисоладаги мумин-мусулмон одамда руҳият, маънавият устун булмоғи, жуда булмаганда ҳар иккаласи уртасида доимий мувозанат сақланмо-

ғи лозим.

Зоти башар бу фоний дунёга Хақ Таолонинг нозу-неъматларидан истаганча еб, узлуксиз айшу-ишрат қилиш ва ё бири-бирдан ҳашаматли қасру кошоналар барпо этиш учунгина эмас, балки бандачилик ва одамийлик йулида турли имтиҳон-синовлардан утиб, Охират озиғига ҳозирланиш учун келади. Надоматлар булсинким, ҳозирги мусулмонларимизнинг кунчилиги бақо ва бевафо дунё бозорига муккасидан шунгиб кетиб, Охират бозорини батамом унутиб қўйди. Ваҳоланки, Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо С. А. В.нинг марҳамат қилишлари: «Ҳақиқий мусулмон бу дунёни деб, у дунёни ташламайди», ташламаслиги керак. Айни фикрни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бошқача тимсол ва воситасида шундай ифода қилганлар: «Даст ба қору дил баер!» («Қул ишдау кунгил Худо билан!») Илоҳо биз адашган, гуноҳкор бандларингизни Ҳидоят Йулига тушиб олишимизга Узинг мадал бер! Ҳамиша ҳалол касб билан машғул булиб ҳар доим ҳалол ошаб, ҳалол янашга насиби рузи эткил Раббул Олаимий!

Индаллоси, кунгил Алоҳи Таолонинг назаргоҳидир. Шунга қура, Ҳақ Таоло бандасининг кунглида нур бу-

либ, иймон булиб тажаллий этади. Бинобарин, Иймон ақлнинг ва ё ироданинг эмас, балки кунгил ақидасидир. Аслияти илоҳий булган ақл-идрокнинг ҳам, йрода-хоҳишнинг ҳам инсон кунглига сўзсиз итоаткор булиб зарурати ана шу ақиде-тажаллиёт туфайлидир. Мусулмон кишининг кундалик ҳаёт фаоллигида рупара келадиган турли муаммоларни ечишда унинг кунгли ҳал қилувчи рол уйнашини лозимлигини ўқитиб, бир умматларига Расули Акрам шундай қурстатма берган эканлар: «Бошқалар булаверди, деб фатво берсалар ҳам, уз қалбинга қараб иш тут».

Кунгилнинг кучаси кенг, дейди доно халқимиз. Бу билан у қалбининг бениҳоя нозиклиғи ута мураккаблигини таъкидламоқчи, фикри ожизимча. Англашиладики, кунгилнинг нимага шайдо булиши ва ё хору расво булиши унинг ақидасига боглиқ экан. Ҳаззолий Ҳазратлари узларининг «Кимейи саодат» деган машҳур асарларида «Саодат ва шақоват (бахтсизлик — М. С. Р.) асли анинг (дилнинг) сифатидир», деб ёзганларида ҳар икки ҳолат ҳақ ва ботил ақиданинг оқибати эканини таъкидлаганлар. Модомики шундай экан, биз ҳар қандай ақиде ҳақида эмас, балки узбеклар, мусулмонлар учун муқалдас ва бағоят қадрли булган ҳақиқий, ҳаққироеъ ақиде — исломий ақиде ҳақида сўз юритамиз.

Миён Содиқ РАББОНИЙ

ҲИҚМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Али ибн Абу Толиб угли Ҳасанга айтди:

— Уғлим, мендан турт нарсани билиб ол. Буни билиш билан сента бирор зарар етишмас: энг зур бойлик — бу ақлдор. Энг катта камбағаллик — аҳмоқликдор.

Энг даҳшатли нарса — манманлик, энг яхши нарса хушхулқликдор.

Поклик фақирликнинг ҳусни саналади, шукур қилиш эса молдуненинг зийнати саналади.

Бойлик гурбатла ҳам ватан булади, фақирлик ватанда ҳам гурбат булади.

Хотиннинг жиҳоди эрга яхши итоат этмоқликдор.

Ҳақиқий мумин деб хушхулқ ва аёлига хушмуомала булган кишига айтилади.

Ёмоннинг улфати шайтондор.

Уз оиласига фойдаси тегадиган киши тангри бандларининг энг яхшиси саналур.

ШУКРОНА

Кўнгил изҳори

Инсон дунёга келади, яшайди, дунедан утади. Бу тақдир азал, Ҳақ таоло томонидан яратилган абадий қонуни. Ҳар бир инсон Аллоҳнинг бандаси, кули ва Пайгамбарнинг умматидир. Инсон дунёга келар экан, унинг тақдирини, умр йулини фақат Яраттанинг узи белгилайди. Эртага нима бўлишини Аллоҳдан уза ҳеч ким билмайди.

Назаримда, утаётган ҳар бир кунимиз беҳуда, бесафар кетаётганга ухшайди. Негадир, шовмаймиз, олтинга тенг вақтни зое утказамиз, бекорчи ишларга сарфлаймиз, ҳар бир босган қадамимиз, ҳар бир қилган ишминимизнинг ҳисоби борлигини унутиб қуямиз.

Мана, ҳаёт ташвишларига тула яна бир кунимиз тарих бағрига сингиб кетди, десмакки, охираг сари яна бир қадам кўйдик. Хуш, биз бу кунни қандай утказдик? Бирон бир янги маълумот ёки бир сабоқ ургандикми? Танимизга эмас, руҳимизга қандай озуқа бердик?

Бемор бўлмагунча соғлик, оч қолмагунча туклик, сарсон бўлмагунча тинчлик-хотир-жамлик, осойишталик қадрини билиб бўлмас. Арифлик қоматлар эртага бирдан букилиб қолиши, бахт кетидан қайту келиши, бутун тинч-осула хонадон бирланиши фаз-

сизланиб қолиши ҳеч гап эмас, бу фақат Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Бас, шундай экан, гуноҳ ишлардан сақланишимиз, Аллоҳнинг буйруқларини бажариб, утаётган ҳар бир дақиқамиз, бахтиёр онларимиз учун Аллоҳга ҳисобсиз шукурлар айтишимиз керак.

Тонгда уйқудан куз очиб, кечаси ҳеч қандай озор етмай, талофат қурмай жонимиз ором тошгани, эсон-омон етиб турганимиз, кунимиз осойишта бошлангани ҳам шукрона айтмоққа лойиқ.

Мумин-мусулмон одам Аллоҳнинг неъматига астойдил ишонса, унга шукур ва сабр қилса, ҳар қаламда унинг ризқ-насибаси бутун бўлади. «Неъматга шукур қилишлик, унга миннатдор бўлмоқ, унинг давоми бўлиши, йўқолмаслиги гаровидир», — дейишди Ҳадисда. «У кам, бу етмайди, мана бундан қиймадим, бундан эмалдим, бошқаларига ухшаб яшамаяпман», дейиш, сабр қилмаслик жоҳил одамларнинг ишидир.

Мусо алайҳиссалом сурадилар: «Эй раббим, одамзод сenga қандай шукур қилади?» Аллоҳ деди: «Неъматни мендан деб билса, уша унинг қилган шуқуридир».

Лола АЛИҚОРИЕВА,

Охунбобоев номидаги республика
мибйёт билим юрти талабаси

СЎЗ ИЧРА АҚЛ ЯШИРИНДИ

Ҳикматли сузлар, мақоллар биз учун асрларнинг садоси, узоқ утмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу қақирик, замоналараро куприқдир. Ҳикматли сузлар, мақоллар — номалум шоирларнинг юрак сатрлари, халқ истъодлининг масофа билмас шуъалари, зулм, адоват, ҳақсизлик кўксига санчилувчи адолатнинг уткир тигидир.

Ҳикматли сузлар, мақоллар ҳеч бир подшо эълон қилмаган, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган конституциядир. Халқ ҳикматлари ҳақида: «Турмуш онасининг дард чекиб туққан тунгич угли», деб айтган эди хурматли адибимиз Абдулла Қодирий. Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тушлайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради.

Мақол фақатгина суз куркигина эмас, балки дилнинг ҳам, умрнинг ҳам куркидир. Ҳикмат ва мақоллар кишиларнинг ақлини уткирлаштиради, нуқтини рав-

шан ва таъсирчан қилади, ҳаётда бўлса тугри йулни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тугри ечишга ургатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради. Ота-боболар сузлаш одобига қатъий риоя қилиш зарурлигини уқтириб, яъни яхши суз билан ёмон суз орасида «осмон билан ерча фарқ бор»лигини куп марта таъкидлаганлар.

Бир донишманддан: «Нимани эда сақлаб қолиб, нимани унутмоқ керак?» — деб сурабдилар У: «Агар кишилар сenga яхшилик қилган бўлсалар — уларни унутма, агар сен бировга яхшилик қилган бўлсанг — унут», деб жавоб берибди.

Теграсида етти ранг офтоб тавлиниб турган халқимиз ижоди унчамунча кишининг эҳни етмайдиган даражада бойдир.

Ана шу бой меросдан баҳра олиб яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Нигора ДОНИЁРОВА,
Самарқанд вилояти, Пойарик
тумани, 54-лицей ўқувчиси

Тахририятга хат

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР ЁЗИЛАЯПТИ

Ҳурматли бош муҳаррир!


Ҳар ҳафтанинг охири кунлари хонадонимизга азиз меҳмондай таширф буюрадиган ушбу рузнома бизга катта маънавий бойлик олиб келади. Ишхонада ҳамкасбларимиз, уйда оила аъзоларимиз ва қўшнилар билан ҳар бир мақолани ўқиб муҳокама қиламиз. «Оила ва жамият» ранг-баранг рухилар остида берилётган мақолалари, саҳифаларидан турли мавзуларга жой бераётгани билан биз учун қадрли. Айниқса, сеvimли адибимиз Шукур Холмирзаев билан суҳбатдаги «айрим ёзувчиларнинг Европача усулда ёзишини ҳазм қила олмайман», деганингиз, адибнинг узбек элитаси ҳақида айтган сузлари дилимиздаги гаплар бўлибди.

Рузнома бундан кейин ҳам маслаҳатгўйимиз, суҳбатдошимиз бўлиб қолади, деган умидда сизга ва жамоангизга ижодий ютуқлар тилайман.

Муҳтарам МАМАДАЛИЕВА,

Андижон вилояти, Балиқчи тумани,

Навий номидаги жамоа хўжалиги «Гулдаста»
болалар боғчаси мудираси



Акс-садо

АЁЛНИНГ ГУНОҲИ ЙЎҚ

Ҳурматли тахририят ходимлари! Газетангизнинг ўтган сонларидан бирида босилган «Уйга юринг, ойишжон!» мақоласини биз — Бухоро вилояти, Гиждубон тумани Бобораҳим Машраб маҳалласининг аёллари биргаликда ўқиб чиқдик. Агар ўша кунни Нури қайнисини — ўзининг инсонлик қиёфасини йўқотган Қобилни отиб қўймаганида, балки ўзи ва норасида болалари унинг қўлида ҳалок бўлармиди?

Биз қанчалик истамаганимиз билан, афеуски, ҳаётда ана шундай воқеалар ҳам учрайди. Вазият қурбони бўлмиш Нуризаям ачинамиз. Маҳалласидагилар Нурини оқлашганидан хурсанд бўлдик. Чунки, кимнинг қандайлигини маҳалла ажратади-да.

Газетангизнинг келгуси сонларида ҳам ана шунга ўхшаш мақолалар бериб боришингизни сўрардик, токи бу баъзи бир ўйламай иш тутадиган одамларнинг хатоларининг олдини олиш учун сабоқ бўлсин.

Ҳ. ҲАЙДАРОВА,
Бухоро вилояти

САБРАИ БЎЛ, ДУҒОНА!

Армонли дунё

Холида куз тегадиган даражада чиройли бўлишига қарамай, сипо ва оғир табиат эди. Қанча-қанча йигитлар унга ошику беқарор эдилар. Лекин Холида мулойимлик билан уларни рад этарди.

Кейинчалик уни бир йигитга унаштиришди. Куёв акасининг уртоғи экан. Холида йигити билан ўқишга бошлашиб келиб ҳаммамизни тўйга таклиф қилиб кетди. Уларнинг орқасидан қизлар ҳавас, йигитлар эса беун алам билан қараб қолишди.

Дабдабали тўй бўлди. Куёв ҳам яхши ишда — шифохонада ишларкан. Кейинчалик Холида ўқишни сиртқига утказиб, эрининг олдида ишлай бошлади.

Бир кун курсдошлари йигитлишиб «Тўй қутлуг бўлсинга» бордик. Серҳашам ораста ҳовлига кирганимизда гузалликда тенгсиз бўлиб яна-

да очилиб кетган бахтиёр келинчақ Холида ва куёв бизларни минг тавозе билан кутиб олишди. Энг охири урфдаги хориж мебелари билан безатилган, шинам, серҳашам хонага кириб оғзимиз очилиб қолди. Тўкин дастурхон атрофида шу кунни анчагача чақчақлашиб утирдик.

Бахтдан энтиккан, шод ва масрур келин-куёв зиёфат давомида бир-бирларига шу қадар лутф қурсатишардики, беихтиёр ҳавас қилардик. Бахтдан энтиккан, шод ва масрур келин-куёв зиёфат давомида бир-бирларига шу қадар лутф қурсатишардики, беихтиёр ҳавас қилардик.

Очиги, уша кун бахти кулган дугонаимизга ҳавас қилиб, биз ҳам ана шундай бахтни орзу қила-қила уйларимизга тарқалишдик. Шундан сунг ҳамма яна уз ташвиши билан бўлиб кетди. Орадан анча йил-

лар утди. Холида купчиликнинг эсидан ҳам чиқиб кетганди.

Лекин бир кун... Мудхш хабар эшитдик... Ва даҳшатдан тош бўлиб қотдик. Уша кунларда буйида бўлиб қолган Холида ишдан кейин врачга бормоқчи бўлиб қайнонасига телефон қилади-да, бекатга чиқади. Бекатга яқинлашганда ёнига бир машина келиб тухтайди. Шофёр эрининг амакиваччаси экан. Шунинг учун бирон ёмонлик кутмаган Холида машинага утиради. Утирар экан бутунги кун бахтиёр ҳаётдаги энг сунгги кунлардан экани ҳаёлига ҳам келмайди. Аслида куёвнинг амакиваччалари у келин бўлиб тушган оиладаги-

лар билан ашаддий ёвлашиб юрган экан. Шунинг алами, учи Холиданинг гарданига тушади.

Эртаси кун ваҳшийларча зурланган Холидани дарвозасининг ёнига ташлаб кетадилар. Ушбу воқеадан кейин Холидаларнинг оиласи ва куда томон уртасида анча можаролар бўлади. Ва бу можаролар ажралиш билан яқунланади. Холида ишонган, суйган эри ҳам бу уринда унга ён босолмайди. «Холида, мени тугри тушун, сени борлигим билан севганлигимга узинг гувоҳсан. Бу ишларда сенинг айбинг йўқ. Лекин мен куриб-билиб туриб... ишон, сен учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Лекин, энди мен учун ҳаромсан. Улар

менинг юрагимга битмас жароҳат солиб кетишди. Ҳозир сени олиб қолсам, йигитлик шаънимни ерга урган бўламан. Мени кечиргини уйингга кета қол!» Унинг айтган гапи шу бўлди. Бу гаплардан чорасиз қолган ота-она Холидани уйига олиб кетишади. Орадан қанчадир ўтгач, уни хотини ўлиб, икки боласи билан қолган эркакка узатишади.

У шурликнинг пешонасида яна бир не оғир дардлар, армонлар бор эканки, у буларни ҳам курди. Яқинда эри бахтсиз ҳолиса туфайли иккала оёғидан ҳам ажралибди. О, дунё, дейсан бу воқеаларни эшитиб. Қаҳринг бунчалар қаттиқ бўлмаса...

ШАҲЛО,
Бухоро шаҳри

БУРЧ

Гулнавоз оилада учинчи қиз. Унинг униб-устан уйига, ота-онасига, жигарларига меҳри баланд эди. Бироқ бугунга келиб бутун жигарларидан, ота-онасидан кунгли қолгандай. Негаки, Гулнавозни узи пинҳона кунгли қуйиб юрган йигитга эмас, دادасининг уртоғининг углига унаштиришди.

Рости, буш-баёвгина, эқимтой, биров бир нарса деса кулиб турадиган Дилшод Гулнавозга эқиб қолди. Ёзининг сулим оқшомларидан бирида туй бўлди. Бир йилча ота-онаси билан яшапгач, шаҳардан куп қаватли уйлардан бирдан икки хонали квартира олиб кучиб утишди.

Шу ерда бир угли, бир қизи туғилди. Эр-хотин бир-бирларидан нолишмас, тирикчилик ҳам жойида, фақат уртала... уларни бир-бирига жипслаштирувчи меҳр йўқ эди. Гулнавоз буну узига ешликка йўлар, балки ҳаммаси утиб кетар, эҳтимол Дилшод акани севиб қоларман, деб уйлаб юрарди.

Йиллар утиб учинчи фарзанд ҳам туғилди. Бу давр ичида Гулнавоз фабрикада ишлаб, амалтақал қилиб институтнинг кечки билимини ҳам тутатди. Богча

га услубчи бўлиб ишга жойлашди. Энди ҳаммаси жойига тушиб кетгандай эди. Бироқ Дилшод ҳеч куним топмас, ҳали у ерда, ҳали бу ерда ишлар, топил-тутишининг ҳам тайини йўқлигиндан оила дастурхонидан барака кутарилгандек эди. Бу орада институтни ҳам ташлади, ичкиликка ружу қўйди.

У бутун топганини ичкиликка сарфлар, оилага оғирлиги тупса тушардики, фойдаси тегмасди. Гулнавоз олдиниға йиғлади, دادаси ва қайноғасига айтди. Натига бўлмади.

Оиланинг моддий аҳволи ёмонлашгани Гулнавозни бошқа иш излашга мажбур қилди. Иш қидириб юрган маҳали дугонаси Алфия «яхши» бир маслаҳат берди. Гулнавознинг ҳусни ва латофатини мақтади, пул топишнинг енгил йулини кўрсатди: мен сени бир киши билан таништираман, у бой-бадавлат, яхши ишга ҳам жойлаштириб қўяди, кийим-бошингдан ҳам хабар олади, умуман айтганининг ҳаммасини қилади, деб қолди. Гап нима ҳақда кетсаётгани Гулна

навозга аён эди. Куп уйланди. Охири танишиб курайнчи, бир гап булар, деб розилик берди. Мурод ака улдабуронлардан экан. Гулнавознинг олдида бирон марта пулдан чайналмади. Айтганини олиб берди, чунтагига пул ҳам солиб қўйди.

Алфиянинг гапи гарчи илк бор Гулнавозга уятли туюлган, бунинг моҳиятини англаб виждони қийналган бўлса-да, кунглининг алақасрида эқимли бир туйгу буй чуза бошлаганди. Эҳтимол буну эрининг «эрлик» қила олмай қолганлиги билан ифодалаш мумкин. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам моддий ноҳорликнинг барҳам топиши биландир, нима булганда ҳам Гулнавозда бу нарсага уша пайтда рағбат бор эди.

Шу тўғайли Мурод акаси билан уч йил олди-берди қилиб келди. Аммо Дилшод уша-уша: қасрлардандир пул топади, ичади-чекади. Оилага муҳит совида, болаларнинг на отага, на онага меҳри бор. Шу йиллар давомида булган ишларни уйла-са Гулнавознинг баъзан кунгли

тошдай қотиб, уйига киргиси келмай қолади, болалари олдида узидан уялгандай, аллақандай бир куз уни боқира болаларидан узоклаштираётгандай туюлади. Шундай уйлар, ташвишлар исқанжасида Гулнавоз узини-узи «сб» тамом қилди. Буйчангина, тула жувон озиб, бучқайиб қолди. Уни болаларини ҳаром пуллар билан боқаетгани, одам сиеғидан чиққан булса-да, эрига қилаётган хиёнати азобларди. Тунлари уйкуси қочиб, «Ахир, одамзол қалбида кунглихушликлардан ташқари муқаддас туйгулар ҳам борку, нега энди мен яхши сийин, яхши кийинайин, гулдек умрим эркакка зор бўлиб утиб кетяпти, деб бу ишларга йўл қўйишим керак. Ахир, оддий, ҳамма қатори ҳаёт кечирининг узи ҳам бахт-ку», — дея уйлар ва бу уйлар кун сайин истакка айланарди. Секин аста Муроддан совий бошлади. Совийдесақ турги бўлмас, чунки у Муродни севмасди. Балки уни оддий бир эркакдек қабул қиларди. Шунинг учун биров вақт утиб ундан бутунлай қутулди. Лекин энди унинг дилидаги надоматлари тобора ошиб бораверди. Кунлар утган сайин узини нопок, исқиртдек сеза бошлади...

Тақдир

Гулнавоз энди утган ишларга тавба қилади. Қолган умрини ҳалол, покиза япаб оиласига, болаларига Дилшод акасига бағишлашни уйлайди. Эри билан болалари атрофида парвона, болалари ҳам унга алоҳида бир меҳр билан яқинлаша бошлади. Янги ишга — қатта бир корхонанинг ходимлар бўлимига етакчи мутахассис бўлиб ишга жойлашди. Энг қувонарли томони Дилшод ҳам ичкиликни ташлаб, тижорат ишлари билан шугуллана бошлади, оилага яқингина ердан бермоқда. Гулнавознинг кунгли энди кечалари Муродни, унинг эрқалашларини кумсамай қўйди. Кунгли осойиш топгандек...

Кунглидаги иккиланишлар, виждон азобида ениш ундан чекина бошлади. Болаларининг, эрининг юзига тик қарашга энди-энди узини ҳаққилдай сезмоқда. Оилага бахтсиз одам ҳаётда ҳам бахтли бўлолмайди, деб шунга айтишса керакда.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

ҚАСАМ УРГАНЛАР

Қушдек учиб келаётган машинадаги икки тенқурнинг севинчи оламга сикмас, улар солдат келганини суюнчилашга ошиқаетган эди. Қишлоқ йўлида тунги маҳал транспорт кам юради. Шунинг учунми улар тезликни биров оширишди.

Йон ойининг иссиқ кунлари, галла урим-йигими бошланган пайт эди.

— Сал секинроқ ҳайда, жура, — деди Фулом Фазлидинга.

— Э, йўлда узимиздан бошқа ҳеч зог йўқ, куркма, рулга энди утираётганим йўқ-ку!

Шу пайт қарши томондан узоқни еритувчи кучли эқилпан фара еруқлигиндан кузлари қаманиб, машинани четта олмақчи бўлди, бироқ йўл четида тўхтаб турган машинага бориб урилди.

Фулом анча вақтдан кейин узига келди. Рулда утирган дустига қараркан, «наҳотки улди?!» — дея қичқириб юборди. «Энди солдат туйига тайерлацаётган туғишанлари кузига қандай қарайман, нега мен тирик қолдим?! Аблаҳлар, ҳа, ҳа, шулар фара эқишибди-да... Журажон...»

Еши йигирма учда деб Фазлидинни кутаришганда қиёмат қойим бўлди. Доду фаредга дош бера олмай, тош юраклар ҳам эриб битганди. На илож, тақдир азал буюрганни шу экан, туй азга айланиб қолди. Элчилиқ, еши улуглар гамга ботган ота-онага таскин берипди. Бемаврид азадан хушидан айрилган ота куруқкина савлатга турарди, холос. Дустини тупроққа топширгач, таъзиядаги нигоҳлар Фуломни тушакка михлади. Бағрини кутара олмай етиб қолди. Ҳеч ким уни таъна қилмаса-да узини айбдордек ҳис этиб, ич-етини еди. Аммо, аммо бор гапни айтишга ожизлик қиларди, чунки, унинг узига ҳайдовчи, барибир «ушалар...» Қолаверса, жураси тирилик келармиди? Майда гапдан нима фойда?!

Фарзанд доғида қуйиб сочлари оқарган отанинг қадди букиди. У мактаб директори эди. Бир ой гуза чопиғига чиқишганди. Эссиз болая, шоппилмаса

Азият

тонг отарди-ку? Уч кундан сунг ота уша куну угли ҳалоқатга учраган йўлда турган, қаршидан кучли узоқни кузловчи фара эқиб келаётган милиционерларни кўрди ва куз ешлари селдай оқиб ешворди:

— Болам улиб, бағрим қўйд, чидо-маяпман доғига. Фақат таскин тошай, тургисини айтинглар, мард эркаксизлар, чироқ эққанмисизлар? Қиблага қараб ҳақ сўзни айтинглар. Боланинг гурини очмайман, безовта қилмайман, фақат тургисини айтинглар, болажоним ичмаса, яхши ҳайдовчи бўлса.

Учала йигитнинг боши ҳам тортиди. Каттаси ҳеч иккиланмай биринчи бўлиб қасам ичди:

— Домлажон, келиб-келиб углингизга ёмонлик қиламизми? Агар уни ҳалоқатга йўлиқтирган бўлсам, тилаб олган углим улсин!

— Бегуноҳни уртага солма, ҳақни айтиш учун улимни қўпма, подон! — «Оҳ» тортиди ота.

Қолган икки милиционер ҳам шунга ухшаш онг ичипди. Бор воксани билолмаган отанинг вужуди қақшасида, кунгли сал таскин топгандек бўлди. «Углима, углим, шоппибсан-да...» дея ичидан уксинди у. Худонинг борлиги, ёлгон қасамнинг уриши рост экан. Фазлидиннинг етиси бўлмай биринчи бўлиб онг ичган милиционернинг елгизгина угилчасини асфалт йўлда машина босиб кетди. Унинг танасини ердан сидириб олишди... Ҳатто, кафанламоқ, ювиб-тарамоқ насиб этмади. Болақайнинг отаси юзини тимдалаб дод соларди. «Ҳалойиқ, мени қарғиш урди! Қасамин урди!»

Унинг иккала шериги ҳам ҳеч қанча утмай Худодан топишди. Бирини автобил ҳалоқатига учтради, бирини ток уриб қазо қилди. Фазлидиннинг еш умри ҳаққи жиноятчилар Оллоҳ қаҳрига учтради.

Норинисо ҚОСИМОВА,
Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри



...Ҳаммаси уша бир ишга «Распутин» ароғи ичилганидан сунг бошланди. Қотилик содир булган кунни оқшомда Фарҳод машуқаси Лайлонинг уйига келар экан, узи билан спиртли ичимлик олишни унутмаганди. Уйда икковидан бошқа ҳеч ким булмаган. Бу уларнинг уз газабларига эрк беришига имкон яратганми, эҳтимол, уйда биров булганда қотиллик юз бермасмиди...

Ичиб олган Фарҳод Лайлога отасининг вафоти муносабати билан таъзия билдирганда, қиз буну нотўғри тушунди, йигитнинг оёғига пичоқ, бошига эса биллур қулдон билан урди. Фарҳод эса бундан газабланиб жаўд устида Лайлонинг фожиали улимта сабабчи булади.

Оқибат... Оқибатда эса... Кунглида айни севгининг муаттар чечаклари гул очилиши керак булган навқирон 20 ёшида узи яқин орада ета олмайдиган осойишта ҳаётга, қамқохонанинг мудҳиш панжаралари ортидан алам билан боқайди. Қалбини уртаган афсусу надоматлардан узини қуярга жой топа олмайди. На чора! Энди бу пушаймондан фойда бормикан?!

Фарҳоднинг орзу-умидлари барбод бўлишига узи сабабчи бўлди. Аммо... Онанзорнинг айби нима эди?! У углининг балоғатга етишини не-не умидлар билан кутмаганмиди, яхши ният билан узи қиймай сандиққа келини учун сарполаб йиғмаганмиди? Икки уртада онага оғир бўлди. У ҳам угли учун, ҳам ушалмаган орзулари учун қуяди, йиғлайди. Йиғламасинми ахир? У ҳам ҳамма қатори узи истаган хонадонга совчи бўлиб бормоқчиёди, углини уйлаб, юзлари ял-ял ёнганича ҳовли супурган келинчакнинг қулларидан дуо қилиб чой ичмоқчиёди...

Угли эса онанинг бу орзу-армонларини йўққа чиқариб, узи ҳам доғда қолиб, салкам 20 йилга қамалди кетди. Бу давр эса ҳазил эмас, бир угил бола тугилиб, йигит буладиган давр...

Умида ЙЎЛЧИЕВА,
Андижон вилояти

ЙИГИТЛИКНИНГ ҚАЙТМАС БАҲОРИ



Адажонимиз Равшанбек РАХМОНОВ!

Сизни 38 эшингиз билан табриклаймиз! Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда ривож тилаймиз деб рафиқангиз Мухаббат, фарзандларингиз Малика, Моҳира, Дилишод, Суннатилла.



Азим ва меҳрибон онамиз Шурфуноя МИММИНОВАНА!

Сизни кутлуг 60 эшингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз! Дунё тургунча туринг. Оллоҳ сизни ўз паноҳида асрасин.

Кўёвингиз Собиржон, қизингиз Заҳро, Тошкент шахри

1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси иқтисодли шифокори Комилжон ОБИДОВИЧ!

Сизни 15 август — тутилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, инсон саломатлигини муҳофаза этишдек олижаноб ишингизда ривожлар тилаймиз. **Хушмуомалангиз бирла хасталар кўнгида сеvimлисиз, Сўзингиз бирла беморлар жонига ёқимлисиз.**

Ҳозик табибу хушгўйсиз тап раижига шифосиз.

Ҳизр назар қилган Комилжон табибсиз!

Бир гуруҳ ҳамкасбларингиз.




СУҲНА АЯТЖОН ва ШАҲЛОХОН!

Сизларни висол оқшомларингиз билан табриклаймиз. Орау остонангизда улкан бахт қуши пешонангизга кўнсин. Боболаримиз дуога қўл очгандай бахтли-тахтли бўлиб узларингиздан кўпайингизлар. **Ақилбек ўғли Улуғбекни ҳам таваллуд қуни муносабати билан табриклаб, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.**

Ота-онангиз, дўстларингиз, Оқ олтин тумани, «Андижон» д/х.

Дўстимиз БАҲОДИР!

Сени муборак 50 эшин билан чин қалбдан муборак этамиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саodat тилаймиз.



Кадрия ўкамиз АСҚАРЖОН!

Сени тутилган кунинг ва келинимиз Ферузахон билан турмуш қургандларингизнинг 17 йиллиги билан чиндиланга табриклаймиз. Оилангизга тинчлик, рузгорингизга кут-барака тилаймиз. Ҳаётда ҳар неки орзуларингиз булга рубга чиқсин. Оллоҳ умрингни узоқ, келажагингни норлоқ қилсин деб,

ОАЙЖОН!

20 август — таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахтимизга доим омон бўлишингизни Оллоҳдан тилаб қоламиз.

Фарзандларингиз Нурбек, Турсунали, Эргашали, Гуласали



ПҮЛАТОВЛАР оиласи.

Ҳурматли фарзандларим МАФЖУНА ва МАҚСАДА!

Сизларни 18 август — тутилган кунларингиз билан табриклайман. Ҳамиша бизнинг бахтимизга соғ-саломат, омадли бўлинглар. Умрларингиз узоқ бўлсин.

Дадажонингиз Мирзамурот, Бекобод тумани, Ойбек ж/х.

Ҳамкасбимиз

ЖАВФАРБЕК ва ДИДОРАХОН!

Сизларни ҳаётларингиздаги энг қувончли, бахтли кун — висол туйларингиз билан самимий кутлаймиз. Эзгу ниятлар билан кураётган оилаларингизни бахт асло тарк этмасин, босяган изларингиздан гуллар унсин.

«Оила ва жамият» таҳририяти.

7 хонали планли уй **СОТИЛАДИ.**
4 сотих томорқаси бор.
манзил: Зулфиқоров кучаси, 125 а уй. 53, 64, 79, 114, 170, 185 — автобусларнинг Тақачи бекати.
Телефон: 41-88-52.

34 ЁШДА Оила
Гузэл Фарғонанинг Риштон туманидан, самимий, меҳнаткаш, оилапарвар йигит. Зарарли одатлардан холи, болаларни жондидилан ортиқ яхши қуралди. Қайси вилоятдан бўлишдан қатъий назар кўнгидаги ерни топиб бахтли-саodatли умр кечиришни орзу қилади.
«Оила-480» мактубларингизни кутади.

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
«Оила ва жамият» таҳририяти сизларга яна бир қулайлик яратди. Энди табрик, «Оила» эълони, хусусий эълон ва билдирувларингизни газетамизда чоп эттириш учун овора бўлиб таҳририятимизга келишингиз шарт эмас. Шаҳримизнинг марказий қисмидаги барча дўконларда «Оила ва жамият» учун эълонлар қабул қилинмоқда. Бунинг учун истаган газета дўконидан «Эълонлар варақаси» олиб, эълонингиз матнини аниқ ва чиройли қилиб ёзиб тоширангиз кифоя, у сиз истаган муддатда газетамизда чоп этилади.

Маслаҳатлар
ҲАЙВОНЛАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
Топбақа косасини қуйдириб, қулини гул ёғи билан қушиб, оқма ярага суртилса тезда тўзалади.
Баданида оқи (песи) бўлган одам топбақа гулгидан истеъмол қилса фориг булади.
Қуршапалак. Қуршапалак осиб қўйилган экинзорга чиғиртка келмайди.
Мушук. Мушук юрагини бир мисқол шаробга қушиб ейилса, юрак ва бошогриғига даво булади.
Ит. Бирор жойи огриётган одамга ярим мисқол ит суягидан берилса, фойда қилади.
Тутқаноғи бор киши ит териси устига утирса, тутқаноқ тутиши тухтайди.
Итнинг янги сийдигини қутурган ит тишлаган жойга қўйилса шифо булади.
Эчки. Эчки ёғини қовуғи буш боланинг остидан тугатилса, қовуғини мустаҳкамлайди.
Жолинус Ҳакимнинг буюришича, буйрак огриғида эчки утини шакар билан қушиб истеъмол қилиш керак.

«Оила ва жамият» газетаси келгуси ҳафтадан бошлаб чоршанба кuni чиқади.

15 АВГУСТДА
Олой бозорининг Марказий павильонида соат 18.00да
«ИНВАЙТ-ПРИЗ» биринчи ютуқлари ўйналади
INVITE + ЭЛИС
Ҳақат «Элис» ёки «Инвайт+» 10 та бўш пакетчаси қуйидаги манзилга юборсангиз: Тошкент, 700000, Бешпочтамт, «ИНВАЙТ-ПРИЗ» ўйнаи, ёки конвертигизни Олой бозорининг Марказий павильонига тапшлаб ўтсангиз бас. Турар жойингиз, исми — шарифингизни кўрсатишни унутманг.
10 та бўш пакетча ва NEXIA СИЗНИКИ
Ютуқ натижалари тўлиқлигича 22 августда «Постда» ва «На посту» газеталарида эълон қилинади.
ШУНИНГДЕК: телевизорлар, мусиқа марказлари, совутигчлар, ошхона комбайнлари ва бошқа кўпгина нарсалар...
Ахборотингиз учун: «ИНВАЙТ-ПРИЗ» иккинчи ютуқлари 25 сентябрда ўйналади



АЁЛГА МАҚТОВ

Шоирга йул бўлсин, сизни чизай деб
Буюқ қуюлтириб турар рассомлар!
Мукамал ҳуснингиз ёғдуси учун
Ой ҳам навбатчилик қилар

оқшомлар!

Шоирга йул бўлсин!

Куйлай деб сизни,
бастакорлар юрар ёқа чок, тажанг:
торни темирчига тошширворгудек,
ҳар жаранг устида қилиб неча жанг.

Эъвозингиз буюк!

Саркарда Бобур,
жувонмард руҳлари бўлгай зиёда,
қўшинда биргина от қолса, шунга
сизни ўтқазгандир,

қолиб пиёда...

Шоирга йул бўлсин!

Сиздаги талъат,
нозиклик кимларни ўйга солмаган?!
Оққуш, сувдан чиқмай, таранавериб,
бежиз бир оёқда ухлаб қолмаган!

Сиздай ясанмоқни истаб, қиш

битмай,

изҳорга лаб жуфтлаб ҳар бир куртаги,
ўриқлар чиқдилар — бир тонг тўла

гул,

Нур кийди жамики боғлар юртдаги.

Шоирга йул бўлсин, кечикди шоир
бу инжа рақобат, нури талошга:
Ҳа, бизга ҳеч юмуш қолмабди энди
Сизни жуда қаттиқ севишдан бошқа!

КЕТИШИМ ШАРТ ЭДИ

Кетишим шарт эди. На илож,
кетдим,

ёғизлик қаърида қолдириб сени.
Шу маънос кўзларга жо бўлар энди
тун деган азобнинг бўйи ва эни.

Хуш дамлар ҳамдаминг — кўзгу бу
кеча

тикка турган кўлдек ютишга тайёр.
Бир пайтлар бахтингдан шаҳодат
берган
юдузлар бу оқшом олис ва бекор.

Оқ ёстиққа бошни маънос босасан,
оқликда илинжсиз тўлганар гавда.
Сочларинг юзингга айлана тортар
тутилган қуёшдек қора, безовта.

Соат бирми-икки.

Туриб юрасан
ёстиқ сезмасин деб қалб санчигини.
Қулиб, жим қучасан ҳалигина мен

Омон МАТЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

ўтирган курсининг суянчигини.

Кўнглим, ўзингдан кўр: энди ҳеч
тинмай
таъқиб этар сени ул маънос нигоҳ —
аёлни тун билан ёлғиз қолдирмоқ
гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ!

Соғиндим мен сени.
Кўргим келади,
Лекин айтолмайман ҳеч кимга буни.
Шаҳар гўж тош ўрмон. Бошимга
тушган
куёшга талпинган оғочнинг куни.

Соғиндим. Кун-тунлар қатланди
қалбда

Рангин ипақлари соғинчининг.
Агар
ёйсам йўллардаги симёғочларга
зорланиб етарди Самарқанд қадар.

Соғиндим, жаҳонда балки ҳеч бир
тил
ҳижронни мукамал ёзганмас ҳали.
Қадим ёзмалардек ул кунлар йитди,
бир сўзингни эслаш олам тасалли...

Дарахтман. Мен миллион япрогим
билан
боқаман зор титраб сен келар кунга.
Соғиндим мен сени.

Кўргим келади,
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга.

Кўп кезма дарахтзор боғлар
ичинда,
Дарахтлар дил дўстинг бўлолмас
сенинг.
Чорласанг келолмас, ёниб
кучолмас,
Сен фақат менинг бўл,
меники,
менинг.

Кўп қолма жаранг сув булоқ
бўйинда,
Булоқ ҳам дил дўстинг бўлолмас
сенинг.

Қайнашим чашмадан теран
жойдандир,
Сен фақат менинг бўл,
меники,
менинг.

Кўп титма муҳаббат китобларини,
Китоблар дил дўстинг бўлолмас
сенинг,

Бу ишқнинг тарихи менинг
қалбимда,
Сен фақат менинг бўл,
меники,
менинг.

Билмаганим, тўғри, сўраб ўрганган

Байрам тўғфаси

— олим.

Кўриб, аммо кўрмаганга олмоқ
— намадир?
Била туриб билмаганга солиш, хўш,
надир?

«Биларкансан, — дейди, биров,
— гапир-да, ахир.»
«Ҳамма гапни айтавирма», дер бир
муаллим.

«Э, дуруст, дуруст»,
дер бошқа халим-таълим.

Бир дупписини хўп мақтар,
Бир салласига зап таъба.
Пуфлама урфларнинг кўплиги,
расминг!

Қисар нафасни.
Юрак — яхшиям хур!
Бу асъасага
улақолса
Ташлаб чиқмас

Қафасни.

Удугвор бир сарой ичи — кимса йўқ.
Қаторлар ҳолий.
«Ху-у!» дедим синаб. Секин.
Турт буржидан минг жавоб қайтди,
Ўз сасимдан удагайлироқ



акс-садо.

Шу саройда, сўнроқ,
Минг бир одам олдида
Минг жонзода хитоб этдим, оҳ
урдим.

Овозимни жим-жит ютди
Минг битга упка.

Ажиб замон:
Бугун кўпни тортар Тасаввуф.
Собиқ донолар, денг,
Соцреализмдан совиб, —
Давронга ҳам,
Худого ҳам тенг ёқмоқ истар.
Дарвиш-бунга

«Оҳ!» дейишни ҳам билмас
ё «Уф-ф».



Тўғри йўлга солсам бир пайт
Кимнидир,
Қайбир ҳождатмандга берсам
Бошпана,
Йўл топгач,
«Хушқол» деб, бири лаб буриб,
Бири «Тор уйи...» деб қилибди
Таъна.

Эй сен эҳтиромлар хожаси, Танграм,
Эй сен саховатлар оғаси, Тақдир,
Мен
Оддий дастёрман Сенинг уйингда,
Ишим —

Олмоқ,

Бермоқ,

Вассалом, ахир...



РУБЛ «ОЗАДИГАН» БЎЛДИ

1998 йил 1 январдан Россия Федерацияси пул ислоҳотини бошлайди. Рублнинг учта нолга «озиши» кутилмоқда. Йил охиригача янги ва эски пуллар бирдек муомалада бўлиши кўзда тутилган. Шунда ҳам қулида эски банкнотлар қолган фуқаролар то 2002 йилгача уларни истаган банк муассасасида алмаштириб олишлари мумкин бўлади.

ЯПТИЛПАГАН БОШ — ГУЗАЛ

Париж яқинидаги Фонтенбло шаҳарчасида каллар уртасида жаҳон чемпиониати ўтказилди. Бошида бир туки йўқ 40 нафар эркек иштирок этган чемпионатдан мақсад жаҳоннинг энг гузал кал бошини аниқлаш эди. Мусобақада Роллан Салмон голиб қилди ва Калларнинг Халқаро ассоциацияси раиси этиб сайланди.

ПУЛИНГИЗНИ... ШАХТАДА САҚЛАНГ

Россия Марказий Банки ва Калутадаги ракета дивизияси уртасида тузилган шартномага биноан муомаладан олинган эски пуллар, заём ва облигациялар бушаб қолган ракета-шахталарига кумулади. Ана шу «чиқинди»нинг тахминий миқдори 440 тонна экан.

ЖОСУС ВА ЖАЗО

Америка Қўшма Штатлари конгресси иқтисодий жосуслик туғрисида қонун қабул қилди. Унга кура хорижий давлат ва фирмалар фойдасига жосуслик қилганлар 25 йилга қамалади ҳамда 250 минг доллар жарима тўлайди. Жосусни еллаган давлат эки фирмага эса 10 миллиард доллар жарима солинади.

50 МИЛЛИОННИК ЗАРАФ

Санкт-Петербург шаҳрининг собиқ мэри Анатолий Собчак «Совершено секретно» газетасига берган интервьюсида шаҳарнинг ҳозирги губернатори Владимир Яковлевни уюшган жиноий гуруҳлар билан ҳамтовқликда айблаган эди. Яковлев узини маънавий ҳақоратланган, деб ҳисоблаб А. Собчакни ва газетани сулга берди ҳамда узига етказилган зарар учун 50 миллион рубл талаб қилмоқда.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Метродан чиқаётган, бир аслнинг: «Тоza асал, арзонгина бераман!» деган овозини эшитиб қолдим. Турли-туман нарсалар билан ер ости йўлагини четидан савдо қилаётганлар орасидан асал-фуруш аслини ҳам деганда топа олмадим.

Овоз эса ҳамон арзонгина тоза асалга харидор чақирарди. Ҳа, мана, топдим! Ер ости йўлагининг гира-шира ёруғи аслнинг қулидаги бир банка асални ба-зур қуриш имконини берарди.

— Асал қанчадан? — дедим оғзимнинг таноби қочиб.

— Жуда арзон! Юз эллик сумга идиш-пидиши билан бераман! — деди аёл ёлворгудек бўлиб.

«Арзон-ку!» дедим ичимда суюлиб.

— Тозамини ишқилиб? — дедим шиша идишга шубҳа билан тикилиб.

— Тоза. Жуда тоза! — деди аёл банка оғзига ёпилган сувқозоннинг четини очиб. — Пиширқларга жуда боп. Болалар ҳам жон деб эйди.

— Болалар-ку темирниям еб юборишади. — дедим бармогимни икки бугингача идишга тикиб. — Қуюққина экан.

— Тозаси-да! — деди аёл бармогим охиригача кириб кетмаслиги учун қулимни тухтатиб.

— Ум-м. Жуда яхши-ку. — дедим қачонлардан бери асал эмганимдан унут бўлиб кетган лаз-

ТОҒ АСАЛИ

Ҳажвия

затдаг хузурланиб. — Томоқни куйдираман дейди-я!

— Айтдим-ку, яхшиси деб! — аёл жонланиб кетди. — Бир жойга шошаётгудим. Шифоҳонада ойимла етибди. Тоза асалдан олиб кел, дегандилар. Битта банкаси қолди. Бунисини сотсам, тўғри ойимни қургани бораман. Оласизми узи?!

— Ҳозир, — дедим шифоҳонага шошаётган меҳрибон қизга ва синовини давом эттириб, асалнинг ҳақиқатан ҳам тозаллигига амин бўлиш ниятида бармогим яна асагга шунгиди. — Тоғ асалига ухшайди. Жуда дори нарса-да бу!

Аёл хурсанд бўлиб кетди:

— Энди, укажон, тоғ асални булмасаям-чи, жуда яхши асал!

— Нега бундай яхши асални арзонга сотаясиз? — ҳайрон бўлганча аслнинг юзига қарадим. — Бунақа асални уч юзга десангиз ҳам олишади-ку!

— Вой, укажоним-эй, айтяпман-ку, шошиб турибман деб, — кейин аёл фақат иккимиз эпитидагидан паст овозда сўзини давом эттирди. — Ундан кейин бу унча тоза асалмас, обиновот қушиланроғидан.

— Йўғ-эй! — Ажабландим мен. — Менга жуда тоза асалдек туюлди-ку. Ҳидиям хушбўй!

Аёл кулди:

— Укажон, ҳид билмас экансиз. Асалнинг фарқига бормасансиз. Қани энди сиздек харидорлар кўпроқ бўлса!

Мен асални фарқлаш буйича иқтидоримга билдирилган бундай нописанд баҳо учун аёл билан тортишиб бейфойдалигини сездим. Балки, ҳақиқатан ҳам таъм ва ҳид сезиш қобилиятим сусайиб кетгандир?

— Ҳа, майли, қиммат соттингиз келмаса, айтганингизга мен ола қолай, — деб ҳамсини чиқардим.

Метро ёнидаги бекатга чиқшим билан керакли автобус ҳам келиб қолди ва ур-сур билан унга чиқиб ҳам олдим. Бир пайт биров мени тўртиб қолди. Қарасам, енимдаги нотаниш йиғит автобус ойнаси томонга ишора қилипти.

Автобус ойнаси тагига келиб олган боғи жувон қулидаги асални банкани менга курсатиб нималарнидир тушунтироқчи бўларди. Афтидан ойисини қургани боришдан айниб, буниси-

ниям арзонроқ бервормоқчига ухшайди.

— Бошқа пулим йўқ, опажон, — дедим унга бош силкиб. — Жон деб олардим. Бошқаларга сотинг.

Аёл эса охириги асални ҳам мендан бошқага пуллашига кузи етмаётгудек, нуқул асални банкани ойнага тақар, менга ниманидир тушунтиришга уринарди.

Ойна олдида утирган йиғит узукдек тирқишга қулогини қуйиб, аслнинг гапларини менга етказди:

— Опамиз сизга алашиб тоза асални бериб юборибди. Алмаштириб олайлик деяптилар.

Мен ҳам деганда аслнинг мақсадини англай олмадим. Англаб етмай эса оёқлар остида қолиб кетган халтадан асални идишни олишга тушганимда кеч бўлганди. Автобус жойидан қузғолди ва аёл ҳам, унинг қулидаги тоза асал урнида қолган обиновот аралашмаси ҳам орқада қолиб кетди.

Уйга бориб, узимнинг асални фарқлаш бобидан аёл айтганчалик нуноқ эмаслигимга яна бир бор амин бўлдим. Асал ҳақиқатан ҳам тоза, хушбўй тоғ асали бўлиб чиқди.

ОЛЛОЁР

МЕНДАН АЗИЗ ШИППАК

Сувга тушиб шиппагим сузиб кетди бирпасда. Топмай унинг дарагини. Бош эгиб қайтдим аста. Бундан роса тўполон. Қийналиб кетдим

ёмон.

Акам олиб шипчинни қўриқтиб ҳам қўлдирар. Дадам ҳеч бир

гапирмай.

Қовоқларин уйдларар. Опам эса дедилар:

— Нопинсофга бир

қаранг.

Ҳайф сенга янги кийим. Юравер оёқ яланг.

Ҳатто меҳрибон онам. «Шиппагингни топ!»

— деди.

«Уни топмагунингча Кет, эшикни ёп», деди.

Уйдагилар меҳри ҳам Чиққандайин шиппакка.

Жуда кепал ҳавасим. Мендан азиз

шиппакка...

Кавсар ТУРДИЕВА

ЕБ БЎЛМАЙДИГАН МАСАЛЛИК ЙЎҚ

Африка, Австралия ва Янги Зеландияда истиқомат қилувчи ерли аҳолининг бир тоифаси урмонларга боради-да, дарахдан қаналак ва қурпларни териб туз-пуз сепмасдан сакверди. Японияда энг сеvimли овқат денгиз саккизоёқларининг гўштидир. Ахир ёмғир чувалчанги нима деган гап. Шунинг ҳам териб, ичидаги лойини ситиб ташлаб, пиез, саримсоқ туғраб, туз ва зирavorлар сепиб аралаштирилса, бинойдек қийма. Ана шундан чувара туккан пазандалар бор. Ёки илак қўртининг шилла ичидан олинган гўмбагини қовуриб, қарсиллатиб еб юришади. Сичқон, қаламуш, мушук ва кучуқлардан ҳам овқат пиширадилар. Чунон-



чи, Ҳиндистонда бирхор, кхария, мария, гонд, сангал деб аталувчи майда миллатлар қуп. Булар ит, мушук, қаламуш, бақа, илон, ақраб, шилиққурт кабиларни бемалол истеъмол қила берадилар, бу ҳайвонлар гўшларининг бозори ҳам чаққон. Айниқса сангаллар учун еб бўлмайдиган ҳайвон йўқ. Бихорлар эса фақат маймул гўштини эмас эканлар. Сабаби: маймуллар бу халқ учун муқаллас ҳисобланиб, унга сигинишар ва «бу бизнинг ота-боболаримиз» деб тушунганликларидан экан. Бошқа ҳайвонларнинг барчаси сугулки.

Пашша қўртини махсус боқиб семиртириб, сунг қовуриб, азиз меҳмон дастурхонига ноёб таом сифатида тортишларини эпитганмисиз? Бу энди Хитой пазандалигига ҳосилар. Нақл қилишларича, «Хитойларла еб бўлмайдиган нарса фақат туртагина бўлиб, учиб юрувчилардан — самолёт, сузиб юрувчилардан — пароход, судралиб юрувчилардан — танк, турт оёқлилардан эса столдир. Булардан бошқасини пиширса ва еса булаверадилар», — дейишади.

Хуллас, «пишира олмайдиган пазанда бўлиши мумкин, аммо еб бўлмайдиган масаллик йўқдир». Яна бир мақол: «Ҳар ким узи севган ошини ошайди». Шу мақоллар амри билан қараганимизда кимлар нималар ейишга одатланган эканлар, ушлар шундан лаззатланади, маза қилади. Биз эса дид, лаззат ва маза масаласида баҳс очмаймиз.

Карим МАҲМУДОВ

Ажаб дунё

СўНГГИ УСТУН

ҲАММАНИНГ ЎЗ ТАШВИШИ БОР

Канаданинг Гатина шаҳрида кутубхонадан китоб уғирлаганларни оғир жазо қутади. Китоб уз вақтида қайтарилмаса, айбдор катта миқдорда жарима тўлайди. Шундан кейин ҳам китоб қайтарилмайдиган бўлса «урри»ни икки ойга қамашади.

Испаниянинг Гренада шаҳрида яшовчи Алксандро Осорноса «бошинг тошдан бўлсин», — деб ният билдиришга ҳожат йўқ. Сабаби унинг боши тошдан ҳам қаттиқ. 4—5 метрдан тавланган, оғирлиги уч килограмм булган тошларни боши билан бамайхотир қайтаради.

Париждаги пойафзал дуконларидан бирида антика янгилик қулланияпти. Агар харидор пойафзал танлашга 10 дақиқадан кам вақт сарфласа, буюмининг нархи 10 фоизга арзонлашади.

Норвегиядаги бир қатор йирик фирмаларда сигарета чекмайдиган ходимлар учун ҳар уч ойда қўшимча дам олиш куни берилади. Кунига уртача 10 донга сигарет чекадиган ходим эса бир йилда 4—5 ҳафталик иш қўнининг «қулини кукка совура» экан.

Бразилиядаги «Жовен Пси-2» радиостанцияси диктори Амилтон Весси Теодор оғзи толмайдиганлар хилидан экан. У радиомарафон утказиб, 99 соатга 40 дақиқа тинимсиз гапирди.

Голландиянинг Туэло шаҳрида яшовчи Вилхелмина Йюлик Парида қариганда парашют спортига қизиқиб қолди. 80 ёшли бу кампиришо туғилган кунда 3000 метр баландликдан парашютга сакради.

Франциянинг Осел шаҳри яқинидаги дарёда Венсон Пирод ва Жан-Жак Клос 14,5 сутка яъни 348 соат дам олмасдан балиқ овлашди.

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:
Ўзбекистон

«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент-700000,

Амир ТЕМУР кўчаси,
1-тор кўча, 2-ўй

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 136-56-52.
Даврон БЕК наобатчилик қилди
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буортма F-0535
32665 нуҳада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Пайшиба кўллари чиқади
Баҳоси эркин нарҳда

ОИЛА
ВА
ЖАМИЯТ